

**Ўзбекистон Республикаси номидан**  
**Х У Қ М**

2024 йил октябрь ойининг 7 куни, жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман суди ўз биносида очик суд мажлисида, шу суд судьяси С.Холбатировнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Зулуновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шаҳрихон туман прокурорининг ёрдамчиси Д.Тўхтасинов, жабрланувчилар З.Жўраева, О.Хасанова, судланувчи Х.Мамажонова ва унинг ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат Д.Махкамовнинг иштирокида,

**Мамажонова Халимахон Алижоновна (MAMAJONOVA XALIMAXON ALIJONOVNA)** 1974 йил 16 мартда Шаҳрихон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 1 нафар фарзанди бор, судланмаган, Шаҳрихон туманидаги 1-сонли Давлат мактабгача таълим муассасаси директори лавозимида ишлайди, Шаҳрихон тумани, “Янги Вахим” маҳалла, Янги Вахим кўчаси, 4-уйда яшайди, иш бўйича 2024 йил 26 июлда уй қamoғи эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2024 йил 31 августда олганни,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан айблашга оид 1-1716-2402/216-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов ва суд жараёнида тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб, уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг фикрларини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

Судланувчи Х.Мамажонова 2011 йилдан Шаҳрихон тумани Давлат мактабгача таълим бўлимига қарашли 1-сонли мактабгача таълим муассасаси директори лавозимида ишлаб келиб, 2023 йил июль ойида фуқаро З.Жўраевани ўзи раҳбарлик қилиб келаётган 1-сонли мактабгача таълим муассасасига ишга киритиб қўйишини ваъда қилиб, бунинг эвазига З.Жўраевадан таъмагирлик йўли билан 200 АҚШ доллари миқдорида пора олган.

Бундан ташқари, Х.Мамажонова 2024 йил 22 июль куни фуқаро О.Хасановани ўзи раҳбарлик қилиб келаётган 1-сонли мактабгача таълим муассасасига тарбиячи вазифасига ишга қабул қилишни ваъда қилиб, эвазига О.Хасановадан таъмагирлик йўли 150 АҚШ доллари беришини талаб қилиб, талаб қилинган 150 АҚШ доллари ҳисобидан 100 АҚШ долларини олиб, қолган 50 АҚШ доллари ҳисобида 650.000 сўм пулни 2024 йил 22 июль куни соат 15 ларда Шаҳрихон тумани 1-сонли мактабгача таълим муассасаси биносидаги



хизмат хонасида пора тариқасида олган вақтида холислар иштирокида ашёвий далиллар билан ушланган.

Судда сўралган Х.Мамажоновна айбига иқдор бўлмасдан, ҳақиқатдан ҳам Шаҳрихон тумани мактабгача ва мактаб таълим бўлимига қарашли 1-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилотида 2011 йилдан ҳозирги кунга қадар мудира лавозимида ишлаб келиши, хизмат вазифаларига ходимларни ишга қабул қилиш ҳамда уларни ишдан бўшатиш, ходимларнинг келиб-кетиши, тарбия олаётган болаларга сифатли таълим бериш устидан назорат қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари таомномаларни меню ва рационларини тасдиқлаш, шунингдек, ташкилотга тегишли муҳр билан тасдиқлайдиган ҳужжатларни ўрганиб, қонун талабларига хос бўлса уларни барчасини тасдиқлаш, ташкилотга умумий раҳбарлик қилиш кириши, 2024 йил 22 июль куни Шаҳрихон туман ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишдан соат чамаси 13:30 ларда қайтиб, Шаҳрихон тумани “Бавайдо” МФЙ ҳудудида жойлашган 1-сонли ДМТТ ўз хизмат хонасида ўтирган вақтида, уни олдига О.Хасанова кириб, 650.000 сўм бадал пули маблағларини қўйиб, унга турли хил тушунарсиз гаплар гапириб тургани, дастлаб унинг гапларига жавоб бермагани, бироқ, бироздан сўнг уни олдига фуқаролик кийимида бир неча фуқаролар киришиб, ўзини Департамент ва ИИБ ходимлари эканлигини таништиришиб, унга пора олганликда гумонланаётганлигида айблаб, Департаментнинг Шаҳрихон туман бўлими маъмурий биносига олиб кетишгани, шундан сўнг у Департамент маъмурий биносида ўтирганида бироз ўзини йўқотиб қўйгани, шунда ҳозирда билишчи, фуқаро З.Жўраевани ишга олганлиги ҳақида айтишиб, унга пулни қайтариб беришини сўрашганида ушбу айтилган 300 АҚШ пулини жияни Дилшодбекдан олиб, икки нафар холислар иштирокида қайтариб бергани, О.Хасанова ҳамда З.Жўраеваларни ишга қабул қилиш эвазига олган жами 300 АҚШ долларлари пул маблағларини боғчани таъмирлаш ишлари учун олиб, таъмирлаш ишларига сарфлаб юборгани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қарамоғида 1 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Х.Мамажонованинг юқорида баён қилинган жиноятни содир этганликдаги айби унинг айбига иқдорлик билдирмасдан кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби суд муҳокамасида текширилган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди, жумладан:

- жабрланувчи О.Хасанованинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил июль ойларида ишга кириш мақсадида Шаҳрихон туман 1-сонли МТТга бориб, ушбу МТТда мудира лавозимида ишловчи Х.Мамажоновнага учраганида у ишга кириш 200 АҚШ доллари эканлигини айтгани, шунда унга шароити оғирлигини тушунтирганидан сўнг, уни ишга олиш учун 150 АҚШ доллари бериши кераклигини айтгани, шундан сўнг Х.Мамажоновна уни М.Каримованинг (ушбу аёл касаллиги туфайли ўз аризасига асосан даволанаётган бўлган) ўрнига ишлаб туришлиги, ушбу аёл ишга қайтунига қадарли ишлаб унинг ўрнига ойлик иш ҳақи олиши, шунга асосан унинг пластик картасини олиб келиши кераклиги, жорий йилнинг май ойи ўзи учун ишлаб, ишга кириш учун талаб қилинган



пулларни шу тариқа тўлашлигини баён қилиб, М.Каримованинг пластик картасини олиб келиб берганидан сўнг, ўзига олиб қолгани, шунда унинг таклифига рози бўлиб, бир ой шу тарзда ишлаб келгани, 2024 йил июнь ойида ишлаб юрган вақтида Х.Мамажоновга диплом олганлигини баён қилиб, хужжатларни тайёрлашни бошлагани, шу орада Х.Мамажорова унга М.Каримованинг ўрнига ишлаган даврдан, келишилган 150 АҚШ долларидан 100 АҚШ долларини қоплаганлигини айтиб, ундан қолган 50 АҚШ долларини талаб қилгани, унга ҳозирда шароити йўқлигини баён қилганида, у эшитишни хоҳламай, ота оналардан йиғилиши лозим бўлган бадал пулни ҳам 3 та ота оналар томонидан берилмаганлиги сабабли, жойига қўйиб қўйишини талаб қилгани, Х.Мамажонованинг бу ҳаракатларини кўриб, унга қилаётган адолатсизликларига чидай олмасдан 2024 йил 22 июль куни Департаментнинг Шаҳрихон туман бўлимига мурожаат қилгани, ИЖҚК Департаменти Шаҳрихон туман бўлими ходимлари тезкор тадбир ўтказилишини маълум қилиб, холислар иштирокида

50 АҚШ доллари пул маблағлари ҳисобидан, 650.000 сўм пул маблағларига кимёвий ишлов берилгани, шундан сўнг шу куни соат 15 ларда Шаҳрихон туман ХТБга қаршли 1-сонли МТТ биносида жойлашган Х.Мамажонованинг хизмат хонасига кириб Х.Мамажоровага у талаб қилаётган 50 АҚШ долларига тенг 650.000 сўм пулларни олиб келганини айтганида Х.Мамажорова ундан пулларни олиб, унга қараб кулиб, “Ҳонободга ўйнагани борар эканмиз-да” деб пулларни дафтар орасига қўйгани, кейин унинг хизмат хонасидан чиқиб тадбир иштирокчиларига ишора берганидан сўнг ходимлар кириб, Х.Мамажоровани ушлашгани, ҳозирда судланувчи Х.Мамажоровага нисбатан даъвоси йўқлигини, дастлаб берган 100 АҚШ долларини қайтариб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;

- жабрланувчи З.Жўраеванинг 2023 йил 1 июль куни ишлаш мақсадида 1-сонли ДМТТ мудираси Х.Мамажоровага иш сўраб мурожаат қилганида, у ишга киришга 200 АҚШ доллар кетиши, ушбу пулларни тақдим қилганидан сўнг, унга буйруқ чиқариб беришини маълум қилгани, бу ҳолатни эшитиб, ҳайрон қолиб, унга ўзининг шароитини тушунтириб, ҳозирда ижарада яшаётганлигини айтгани, бироқ, унга ушбу ҳолат муаммо эмаслиги, ишга кирганидан сўнг уни номига ёзилган иш ҳақини ўзи олиб қолиши, бироқ ушбу пуллар унинг пластик картасига тушганлиги сабабли, унга маълум бир даврга пластик картасидан фойдаланиш учун бериши лозимлигини айтгани, ўзини шароити йўқлиги, ишга киришда бу турдаги коррупцион ҳолатларга кўп маротаба дучор бўлганлиги сабабли, унинг бу таклифига рози бўлгани, унинг икки ойлик иш ҳақидан Х.Мамажорова олиб уни ишга қабул қилгани, орадан чамаси бир йил ўтиб, Х.Мамажорова бу каби қонунга хилоф равишдаги ишларини давом эттирганлиги сабабли, ИЖҚК Департаменти Шаҳрихон туман бўлими тезкор ходимлари томонидан қўлга олинганлигини билиб, у ҳам мазкур масалада мурожаат қилгани, ҳозирда судланувчи Х.Мамажоровага нисбатан даъвоси йўқлиги, Х.Мамажоровага берган 200 АҚШ долларини қайтариб бериш ҳақидаги кўрсатуви билан;



- гувоҳ Д.Юлдашевнинг суддаги, 2024 йил 22 июль куни Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда ўз хоҳишига кўра холис сифатида иштирок этгани, Департаментнинг Шаҳрихон туман бўлимининг маъмурий биносига у ва яна бир нафар холис билан келишгани, ходимлар томонидан пулларга кимёвий ишлов бериш, гувоҳлантириш ва овоз ёзиш мосламасини тақдим қилиш жараёни бошланиб, бунда унга аввалдан таниш бўлмаган, кейинчалик маълум бўлишича фуқаро О.Хасанованинг Департаментнинг Шаҳрихон туман бўлимига қилган мурожаати ўқиб эшиттирилгани, О.Хасанова ариза билан мурожаат қилиб, у ўзининг аризасида, Шаҳрихон туман 1-сонли МТТда мудира лавозимида ишловчи “Халима” исмли аёл ариза муаллифини ўзи раҳбарлик қилиб келаётган Шаҳрихон туман 1-сонли МТТга ишга олиш эвазига 150 АҚШ доллари талаб қилиб, талаб қилган 150 АҚШ долларлари ҳисобидан 100 АҚШ долларини олиб ишга қабул қилганлиги, ҳозирда қолган 50 АҚШ долларини талаб қилаётганлигини маълум қилиб, “Халима” исмли аёлнинг ноқонуний ҳаракатларига нисбатан қонуний чора кўришликни сўрагани, ариза муаллифи О.Хасановадан 50 АҚШ доллари талаб қилаётган “Халима” исмли аёлга бериш учун Департаментнинг Андижон вилоят бошқармаси Молия хўжалик бўлиmidан олинган 650.000 сўм пул маблағларига кимёвий ишлов берилгани, О.Хасановага баённома орқали 50 АҚШ доллар ҳисобидан 650.000 сўм пул маблағлари тақдим этилгани, кейин ариза муаллифи О.Хасановага бўладиган суҳбатни ёзиб олиш учун “USB” русумли овоз ёзиш мосламаси (диктофон) тақдим қилиниб, ушбу овоз ёзиш мосламаси ишчи ҳолатига келтирилгани, 2024 йил 22 июль куни О.Хасанованинг аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбирда, Шаҳрихон туман 1-сонли МТМ мудираси Х.Мамажонова 2024 йил июль ойида ариза муаллифи О.Хасановани ёрдамчи тарбиячиликка ишга қабул қилиш учун 150 АҚШ доллари талаб қилиб, талаб қилинган 150 АҚШ доллари ҳисобидан олдиндан 100 АҚШ доллари олиб, қолган 50 АҚШ долларини фуқаро О.Хасановадан 1-сонли МТМ маъмурий биносига хизмат хонасида олганлиги аниқланиб, ашёвий далиллар билан ушлангани, бу ҳақида Департамент ходимлари ҳужжатлар расмийлаштиришгани, ушбу ҳужжатларга холис сифатида имзо қўйиб тасдиқлагани ҳақидаги кўрсатуви билан;

- гувоҳ Ф.Йўлдашевнинг суддаги, ҳақиқатдан ҳам судланувчи Х.Мамажонова раҳбарлик қилиб келаётган Шаҳрихон туман 1-сонли МТТга 2023 йил 1 июнь куни ишга киргани, у ерда тарбиячи бўлиб ишлаши, Х.Мамажоновага нисбатан адовати йўқлиги, ИЖҚК Департаменти Шаҳрихон туман бўлими томонидан 2024 йил 22 июль куни ўтказилган тадбир давомида у меҳнат таътилида бўлгани, ушбу тадбир ҳақида ҳамкасбларидан эшитгани, бу ҳолат юзасидан бир аниқ маълумотга эга эмаслиги, ишга кириши учун Х.Мамажоновага пул ёки бошқа моддий қийматликлар бермагани ҳақидаги кўрсатуви билан;

- гувоҳ М.Каримованинг суддаги, судланувчи Х.Мамажоновага нисбатан адовати йўқлигини, у 2023 йил 1 июлдан 1-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилотида ишлаб келиши, касаллиги сабабли ўз аризасига асосан 2024 йил



май ойдан июнь ойига қадарли таътилда бўлгани, 2024 йил 22 июль куни ИЖҚК Департаменти Шаҳрихон туман бўлими тезкор ходимлари томонидан тадбир бўлиб, ушбу тадбирда ташкилот мудираси Х.Мамажоновна О.Хасановани ишга жойлаш учун 650.000 сўм пулларни пора тариқасида олган вақтида қўлга тушганлигини билгани, дастлаб у нима сабабдан у тадбир иштирокчиси бўлганлигини билмагани, кейинчалик билса Х.Мамажоновна унинг пластик картасини олиб, ўзига пора учун талаб қилинган пулларни олганлигини билгани, Х.Мамажоновна унга ўрнига бошқаси ишлаб туриши, пластик картасини бериб юборишини, ўрнига иш ҳақи олишини айтганлиги сабабли, ўзининг номига очилган пластик картасини Х.Мамажоновнага бериб юборгани, шу тариқа март ва июнь ойларида унинг ойлик иш ҳақларини ўзи олмагани, ким қандай тарзда ушбу пулларни тақсимлаганлигини билмаслиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

- шунингдек, жиноят ишининг 5-6 варақларидаги оғзаки аризани қабул қилиш ҳақидаги баённома, 7-варағидаги фуқаро О.Хасанованинг Департаментнинг Шаҳрихон туман бўлими бошлиғи номига ёзган аризаси, 8-11-варақларидаги пулларга кимёвий ишлов бериш, гувоҳлантириш ҳамда овоз ёзиш мосламасини тақдим қилиш баённомаси, 12-16-варақларидаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиш ҳақидаги баённома, 17-18-варақларидаги овоз ёзиш мосламасини олиш, эшитиб кўриш, ёзувларни дискка кўчириш ва муҳрлаш ҳақидаги баённома, 19-21-варақларидаги сўзлашувлар ёзиб олинган стенограмма, 22-24-варақларидаги ўз хоҳиши билан тақдим қилинган пул маблағларини олиш ҳақидаги баённома ва фотожадвал, 64-66-варақларидаги суд-кимёвий экспертизасининг 2024 йил 23 июлдаги 764-сонли хулосаси ва фотожадвал ҳамда ишда мавжуд бошқа ҳужжатлар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорида далилларнинг мақбуллигига қўйиладиган шартлар ҳамда далилларни номақбул деб топиш асослари юзасидан тушунтиришлар берилган.

Суд, ишдаги Х.Мамажоновани айблаш учун асос сифатида олинган далилларни тўплаш ва процессуал ҳаракатларни ўтказишга оид қоидалар ҳамда тартиблар юқорида қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига риоя этилган ҳолда амалга оширилган бўлиб, далиллар мақбуллигига тааллуқли шартларнинг бирон-бир талаби бузилмаган, уларни номақбул деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан Х.Мамажонованинг таъмагирлик йўли билан З.Жўраевдан 200 АҚШ доллари, такроран О.Хасановадан 50 АҚШ доллари ҳисобида 650.000 сўм пулни такроран пора тариқасида олганликда ифодаланган жиноий ҳаракатларини ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.



Суд, Х.Мамажоновга нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандидаги судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, тўхтамга келди.

Суд, судланувчи Х.Мамажоновга жазо тайинлашда, унинг муқаддам судланмаганлигини қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли мақсадларда содир этганини оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, унинг аёл кишилигини, жабрланувчиларнинг даъволари йўқлигини, етказилган зарарлар қопланганлигини, ёшини, оилали, қарамоғида 1 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми билан қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан унинг дастлабки уй қамоғида 2024 йил 26 июль кунидан 8 октябрь кунига қадар сақланган ҳар бир кунини озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб ташлашни, унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келиб, ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш жазосига нисбатан синов муддати белгилашни, содир этилган жиноят унинг мансаби ва иш фаолияти билан боғлиқ бўлгани сабабли ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, мактабгача таълим ташкилотида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, мактабгача таълим ташкилотида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси шартли жазо билан бирга келганлиги сабабли ҳар бирини алоҳида-алоҳида ижро этишни, унинг эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни;

- тадбир давомида фойдаланилган 650.000 сўм миқдоридagi пул Андижон вилоят ИЖҚК Департаменти томонидан қайтариб олинганлигини инобатга олишни, уни суд ҳукмининг қарор қисмида кўрсатмасликни;

- судланувчи Х.Мамажоновдан олинган 300 АҚШ долларидан 100 АҚШ долларини О.Хасановага, 200 АҚШ долларини З.Жўраевага қайтаришни;

- ёзма далил масаласини муҳокама қилиб, ёзма далил сифатида эътироф этилган фуқаро О.Хасанованинг Департаментнинг Шаҳрихон туман бўлими бошлиғи номига қилган мурожаати, З.Жўраеванинг Департаментнинг Шаҳрихон туман бўлими бошлиғи номига қилган мурожаати, 2024 йил 22 июлдаги пулларга кимёвий ишлов бериш, гувоҳлантириш ҳамда овоз ёзиш мосламасини тақдим қилиш баённомаси, 2024 йил 22 июлдаги ҳодиса содир



бўлган жойни кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиш ҳақидаги баённома ҳамда пулларни департаментнинг молия-хўжалик бўлимига топширилганлиги ҳақидаги квитанция, 2024 йил 22 июлдаги овоз ёзиш мосламасини олиш, эшитиб кўриш, ёзувларни дискка кўчириш ва муҳрлаш ҳақидаги баённома, 2 дона стенограмма, суд-кимёвий экспертизасининг 2024 йил 23 июлдаги 764-сонли хулосаси, 1 дона диск, аудиоёзув ёзилган 2 дона DVD дискларни жиноят иши билан бирга сақлашни, тампон намуналарини йўқ қилишни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб,

### **х у к м қ и л д и:**

Мамажонова Халимахон Алижоновна Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “а,в” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Х.Мамажоновага ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил ДМТТ тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

ЖКнинг 62-моддасига асосан 4 (тўрт) йил 9 (тўққиз) ой 18 (ўн сақиз) кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига асосан судланувчи Х.Мамажоновага нисбатан шартли ҳукм қўлланиб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли деб, унга 2 (икки) йил синов муддати белгилансин.

Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Х.Мамажоновага синов муддати давомида:

- яшаш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда уни хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш;

- ҳар ойда бир марта Шаҳрихон туман ИИБга бориб рўйхатдан ўтиб туриш мажбуриятлари юклатилсин.

Судланувчи Х.Мамажонова синов муддати давомида юқоридаги мажбуриятларни бажармаган тақдирда ҳукмнинг шартлилиги унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан бекор қилиниб, ҳукм билан тайинланган жазо ижро этилиши тўғрисида ажрим чиқарилиши тушунтирилсин.

Судланувчи Х.Мамажоновани хулқи устидан назорат олиб бориш Шаҳрихон туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Х.Мамажоновага нисбатан қўлланилган уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ёзма далил сифатида эътироф этилган фуқаро О.Хасанованинг Департаментнинг Шаҳрихон туман бўлими бошлиғи номига қилган мурожаати, З.Жўраеванинг Департаментнинг Шаҳрихон туман бўлими бошлиғи номига



қилган мурожаати, 2024 йил 22 июлдаги пулларга кимёвий ишлов бериш, гувоҳлантириш ҳамда овоз ёзиш мосламасини тақдим қилиш баённомаси, 2024 йил 22 июлдаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва ашёвий далилларни олиш ҳақидаги баённома ҳамда пулларни департаментнинг молия-хўжалик бўлимига топширилганлиги ҳақидаги қвитанция, 2024 йил 22 июлдаги овоз ёзиш мосламасини олиш, эшитиб кўриш, ёзувларни дискка кўчириш ва муҳрлаш ҳақидаги баённома, 2 дона стенограмма, суд-кимёвий экспертизасининг 2024 йил 23 июлдаги 764-сонли хулосаси, 1 дона диск, аудиоёзув ёзилган 2 дона DVD дисклар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган тампон намуналари ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Судланувчи Х.Мамажоновадан олинган 300 АҚШ долларидан 100 АҚШ доллари О.Хасановага ва 200 АҚШ доллари З.Жўраевага қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, иш апелляция тартибида кўрилмаган тақдирда қонуний кучга кирган ҳукм устидан кассация тартибида шикоят ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:** (имзо) **С.Холбатиров**

**Ҳукм нусхаси аслига тўғри**

**Туман судининг судьяси** **С.Холбатиров**

**Маъсул судья: Холбатиров Султонмаксуд Рафиқмирзаевич**

